



АКАДЕМИК ХОДЖИ-АКБАР РАХМОНҚУЛОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИ ЛОЙИҲАСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШДАГИ РЎЛИ

Тошкент давлат юридик
университети З-босқич талабаси
Аллаберганов Амирбек Руслон ўғли
amirbekallaberganov816@gmail.com

АННОТАЦИЯ: Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикаси ФА ақадемиялари, юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида ҳизмат курсатган фан арбоби Ҳоджиакбар Раҳмонқуловнинг Конституциявий ислоҳотлардаги иштироки ва ҳуқуқий давлат асосларини шакллантиришдаги ҳиссаси ёритилган.

Шунингдек, Ҳ.Раҳмонқуловнинг “Инсонпарвар давлат конституцияси” номли асари ҳақида ҳам тўхталиб ўтилади. Мазкур асар Ўзбекистон Республикасининг Асосий қонуни - Конститусиянинг “Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари” ҳақидаги иккинчи бўлимига бағишиланади. Асарда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари тўғрисида қисқача тарихий ва ҳозирги замон халқаро ҳужжатларидаги маълумотларга эътибор қаратилади.

Калим сўзлар: Конституция, инсон ҳуқуқлари, юридик таълим, фан арбоби, фуқаролик жамияти, жамият ва шахс

АННОТАЦИЯ: В данной статье рассматривается участие члена Академии наук Республики Узбекистан, доктора юридических наук, профессора, ученого Ходжиакбара Раҳмонкулова в конституционных реформах и его вклад в формирование основ правового государства.

В статье также рассматривается труд Ҳ. Раҳмонкулова «Конституция гуманного государства». Данный труд посвящен второму разделу Конституции, Основному закону Республики Узбекистан, «Основные права, свободы и обязанности человека и гражданина». В работе кратко



рассматриваются сведения о правах и свободах человека в исторических и современных международных документах.

Ключевые слова: Конституция, права человека, правовое образование, ученый, гражданское общество, общество и личность

ABSTRACT

This article discusses the participation of the member of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan, Doctor of Law, Professor, and scientist Hojiakbar Rahmonkulov in the Constitutional reforms and his contribution to the formation of the foundations of a legal state.

The article also discusses H. Rahmonkulov's work "Humanitarian State Constitution". This work is devoted to the second section of the Constitution, the Basic Law of the Republic of Uzbekistan, on "Fundamental Rights, Freedoms and Duties of Man and Citizens". The work briefly focuses on information on human rights and freedoms in historical and contemporary international documents.

Keywords: Constitution, human rights, legal education, scientist, civil society, society and individual

МУҲОКАМА ВА ТАҲЛИЛ

Инсон ҳуқуқларининг асосий кафолати бўлмиш, олий юридик кучга эга бўлган қонунимиз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 1992-йил 8-декабрда қабул қилинган. Бу шунчаки оддий пайдо бўлиб қолмаган. Конституциянинг яратилиши жуда катта вақт, меҳнат, фикр-мулоҳаза, хаоқимизнинг асрлар давомида шаклланган миллий қадриятларимиз маҳсули. Ўзбекистон Республикаси амалдаги Конституциясининг яратилиши тарихи жуда эътиборли ходисалар ҳамда жараёнларга бой. Конституция (лотинча “Constitution” – тузилиш, тузук) – давлатнинг асосий қонуни. У давлат тузилишини, ҳокимият ва бошқарув органлари тизимини, уларнинг ваколати ҳамда шакллантирилиш тартиби, сайлов тизими, фуқароларнинг ҳукуқ ва эркинликлари, жамият ва шахснинг ўзаро муносабатлари, шунингдек, суд тизимини ҳамда давлат ва жамиятнинг ўзаро муносабатларини белгилаб беради.



Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг яратилиши халқимизнинг мустақиллик сари узоқ йўлдаги изланишлари натижаси эканлигини хеч ким инкор этмайди. Ўзбекистон Республикаси Конститутсияцси лойиҳаси Муқаддима, “Асосий принциплар”, “Инсон ва фуқароларнинг асосий хукуқлари, эркинликлари ва бурчлари”, “Жамият ва шахс”, “Ма’мурий-худудий ва давлат тузилиши”, “Давлат ҳокимиятининг ташкил этилиши”, “Конститутсияцга ўзгартириш киритиш тартиби” деб номланган 6 та бўлим, 26 та боб, 128 моддани ўз ичига олган эди. Халқимиз Конститутсияцмизни қабул қилиниши орқали дунё ҳамжамиятига ўзининг умуминсоний қадриятларга содик эканлигини намоён қилди. Ушбу умуминсоний қадриятларнинг диққат марказида инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз хукуқларини та’минлаш давлатимиз олдидаги олий мас’улият эканлиги Конститутсияцмизнинг асосий ғояси сифатида танлаб олинди. Конститутсияцмизнинг барча тамойиллари, аввало, инсон ва фуқаролар хукуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилган бўлиб, давлатнинг мажбурияти ушбу хукуқ ва эркинликларни та’минлашда акс этади. Ана шу Конституция лойиҳасини тайёрлашда Академик Ходжи-Ақбар Раҳмонқуловнинг ўрни жуда катта. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини яратиш борасидаги энг муҳим қадамлардан бири 1990 йил 21 июн куни Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов раислигида давлат арбоблари, депутатлар ва мутахассислардан иборат 64 нафар аъзодан иборат Конституциявий комиссиянинг тузилиши бўлган. Бу ўринда мазкур кенгаш таркибида Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёев ҳам бўлганлиги ҳамда қомусимизнинг яратилиши ишларига жуда катта ҳисса қўшганлиги алоҳида эътиборга лойиқ. Ушбу комиссия томонидан 2 йилдан кўпроқ вақт давомида олиб борилган меҳнат натижасида мамлакатимиз Конституцияси лойиҳаси тайёрланган Комиссия таркибида Устоз академик Ходжи-Ақбар Раҳмонқулов ҳам бўлган. У 1990-1992 йилларда Конституциявий



комиссиянинг аъзоси бўлган ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳасининг “Жамият ва шахс” бўлимини ишлаб чиқувчи ишчи гурухининг раҳбари лавозимида фаолият олиб борган. 1990 йилда унга “Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби” фаҳрий унвони берилди. 1991 йил февраль ойида Ходжи-Акбар Раҳмонқулович Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси лавозимига таклиф қилинган эди. Унинг ана шу лавозимда ишлаш даври республикамиз ҳаётидаги улкан тарихий воқеаларга тўғри келди. Ўзбекистон ўзини суверен давлат деб эълон қилди, республиканинг мустақил давлат сифатидаги ҳукуқий мақомини аниқлаш тўғрисидаги масала пайдо бўлди, Ўзбекистоннинг ижтимоий тизими ва давлат қурилиши ривожининг сифат жиҳатидан янги босқичини инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Конституциясини ишлаб чиқиши, шунингдек янги сиёсий шароитда бошқа суверен республикалар билан ўзаро муносабатларининг ҳукуқий асосларини аниқлаш тўғрисидаги масала қўндаланг бўлди. Ходжи-Акбар Раҳмонқулович бу даврда “Иттифоқ шартномаси” лойиҳасини тайёрлаш ва муҳокама қилишда бевосита иштирок этди. Мазкур лойиҳа узил-кесил вариантида “Суверен давлатлар шартномаси” деб атала бошлади, лекин 1991 йил 19 августдаги фитна ва ундан кейинги маълум воқеалар туфайли у имзоланмасдан қолди. Х.Раҳмонқулов Конституциявий комиссиянинг аъзоси бўлиб, мустақил Ўзбекистон Конституцияси лойиҳасининг “Жамият ва шахс” бўлимини тайёрловчи ишчи гурухига раҳбарлик қилди. 1992 йилги таҳрирдаги Конституциямизнинг “Жамият ва шахс” Бўлими XII боб “Жамиятнинг иқиқтисодий негизлари”, XIII боб “Жамоат бирлашмалари”, XIV боб эса “Оила” ҳамда XV боб Оммавий Ахборот воситалари” деб номланган боблардан иборат бўлиб 53 моддадан 67 моддаларни ўз ичига олган. Ушбу бобларнинг қўшилиши, ўзи умуман олганда Конституцияга хусусий мулкнинг дахлсизлиги, унинг чекланмаслиги каби фундамениал асосларнинг қўшилиши совет тузумидан кутулишга ҳамда демократик ислохотларга йўл очиб берди.



Ходжи-Акбар Раҳмонқулов ўзининг бир қанча муаллаифлик ҳамда ҳаммуаллифлик дарслклари, асарлари ва бошқа илмий ишлари қаторида “Инсонпарвар давлат Конституцияси” номли китобини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Мазкур асар Ўзбекистон Республикасининг Асосий қонуни - Конститусиянинг “Инсон ва фуқароларнинг асосий хуқуклари, эркинликлари ва бурчлари” ҳақидаги иккинчи бўлимига бағишиланади. Асарда инсон хуқуклари ва эркинликлари тўғрисида қисқача тарихий ва ҳозирги замон халқаро ҳужжатларидағи ма’лумотларга э’тибор қаратилади. Инсон хуқуклари ва эркинликлари тўғрисидағи умумий қоидалар, фуқаролик тушунчаси ва моҳияти, шахсий, сиёсий, ижтимоий-иктисодий хуқуклар, уларни амалга оширишнинг кафолатлари, фуқароларнинг асосий бурчлари ва бошқа конститусиявий аҳамиятга эга масалалар таҳлил қилинади. Жамиятнинг иқтисодий негизлари деганда, жамиятдаги мавжуд иқтисодий хаёт, Тишлаб чиқариш воситаларига нисбатан мулкчилик шакллари, ижтимоий йўналишга қаратилган ишлаб чиқариш мақсади, жамиятда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг адолат принципи асосида тақсимланиш, хўжаликни бошқаришда бозор иқтисоди принципларига асосланганлик тушунилади.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгани-дан сўнг, унинг иқтисодий негизида аста-секин ишлаб иш чиқариш қуролларига ҳар хил мулкчилик шакллана бошлади. Шунинг учун ҳам, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддаси бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиёти нинг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этишини мустаҳкамлайди. Давлат истеъмолчилар хуқу-қининг устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг teng хуқуқлилигини ва хукукий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолат-лайди. Маълумки, иқтисодий ҳаётнинг асосини ташкил этув чи мулкий муносабатлар ишлаб чиқариш воситаларини ва меҳнатнинг барча маҳсулотларини ўзлаштириш бўйи-ча кишилар ўртасида юзага келадиган



муносабатлардир. Бу муносабатлар маълум ижтимоий гурухларнинг ишлаб чиқаришда тутган ўрнини, моддий неъматларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилиш усулини белгилаб беради.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, хозирги даврда олдимизга қўйиган улкан мэрраларга эришиш, жумладан, мамлакатимизда давлат бошқаруви самарадорлигини кучайтириш, Янги Ўзбекистонда фуқароларнинг хукуқ, эркинлик ва манфаатларини қонуний кафолатлари билан боғлиқ муҳофазани кучайтириш, бошқарув жараёни шаффоғлигини таъминлаш, одил судловни амалга ошириш ва бу орқали адолатни қарор топтиришда Устоз Академик Ходжи-Акбар Раҳмонқуловнинг рўли жуда катта. Бу ўринда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси олий юридик эга норматив-хукуқий ҳужжат сифатида юқорида илгари сурилган вазифаларни амалга оширишда асос ва дастуриламал бўлиб ҳизмат қиласди. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз хуқуqlари олий қадрият ҳисобланиши белгиланган, унда жамиятда тинчлик ва ҳамжиҳатлик барқарорлиги учун мустаҳкам замин мавжуддир. Асосий қонунимиз мамлакатимизда инсон хукуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш ва ривожлантириш, жамият ҳаётининг барча соҳаларини изчил либераллаштириш ва модернизация қилиш ҳамда “кучли давлатдан -- кучли фуқаролик жамияти сари” тамойилини амалга тадбиқ этишда мустаҳкам хукуқий асос сифатида хизмат қилмоқда.

REFERENCES

1. Каюмов. Р. Қ. Ўзбекистон Русспубликасининг конституциявий хукуки. Дарслик. – Т.: ИИВ Академияси. 1997. – 400 б.
2. А. А. Туляганов Ўзбекистон Конституцияси: яратилиш тарихи, тараққиётга эришишдаги аҳамияти ва янги ўзбекистонни барпо этишдаги роли // Academic research in educational sciences. 2022.



3. Академик Ҳожи-Ақбар Раҳмонқулович ўқишилари. Илмий тўплам /
Маъсул мухаррирлар: О.Оқюлов, М.Х.Баратов. – Тошкент: ЎзФА
Давлат ва хуқуқ институти, 2023, 436 б.

4. Ҳ.Раҳмонқулов. “Инсонпарвар давлат Конституцияси”.

https://kitobxon.com/ru/kitob/insonparvar_davlat_konstituciyasi